

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА НАРГИЗА АБИДЖАНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЎСАДИГАН
ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЙЛАР АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТ НАЗОРАТИ

15.00.02–фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 582.099:615.322:615.07:615.451

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Мусаева Наргиза Абиджановна

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган ўсимликлардан олинадиган
мойлар асосидаги дори воситаларини стандартлаш ва сифат назорати..... 3

Мусаева Наргиза Абиджановна

Стандартизация и контроль качества лекарственных средств на основе
растительных масел, получаемых из растений, произрастающих в Республике
Узбекистан 31

Musaeva Nargiza Abidjanovna

Standardization and creation of medicines based on vegetable oils obtained from
plants growing on the territory of the Republic of Uzbekistan..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 63

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА НАРГИЗА АБИДЖАНОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ЎСАДИГАН
ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МОЙЛАР АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТ НАЗОРАТИ

15.00.02–фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Far14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи:

Азизов Исматжон Казимович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Урманова Флюра Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Махатов Бауржан Калжанович
фармацевтика фанлари доктори, профессор, академик

Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38. Факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



К.С. Ризиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
т.ф.д.

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 80% даволаш учун асосан ўсимлик препаратларидан фойдаланади. Сўнгги йилларда доривор ўсимликлардан олинadиган яллиғланишга қарши таъсирга эга дори воситаларини қўллаш даражаси ошмоқда, чунки ушбу препаратлар юқори самарадорлик ва паст токсикликка эга бўлиб, бу уларни узоқ вақт давомида минимал хавф билан қўллашга имкон беради. Шунинг учун бугунги кунда замонавий тиббиётда доривор ўсимликлардан олинган мойлар ва мойли экстрактлардан фойдаланиш, улар асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш, стандартлаш, терапевтик фаоллигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда халқ табobatiда кенг қўлланилиб келаётган доривор ўсимликларни ўрганиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, стандартлаш, улар асосида дори препаратларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада яллиғланиш ҳамда иммун танқислик касалликларини даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларни фитокимёвий ва фармакогностик ўрганиш, сифатини баҳолаш, тиббиёт амалиётида қўллаш учун дори воситаларни яратиш ҳамда татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида маҳаллий доривор ўсимликлар таркибини ўрганиш, уларни замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида стандартлаш, мой ва мойли экстрактларни олиш, ҳамда улар асосида дори препаратларни ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2-чи илованинг 85 бандида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80% га етказиш ...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва етиштириш мақсадида плантацияларни ташкил этиш, маҳаллий корхоналар томонидан турли фармакотерапевтик гуруҳга оид препаратларни ассортиментини кенгайтириш, жумладан, дори воситаларни сифатини таъминлаш учун таҳлилнинг ишончли ва замонавий усулларида фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони

тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Доривор ўсимликлар асосида дори воситаларини яратиш, таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Mississippi (АҚШ), Department of Pharmacology, Johannes Gutenberg University ва Physiologisch-chemisches Institut der Universita (Германия), Community Health Sciences, University of London, Cranmer Terrac (Буюк Британия), Faculty of Biotechnology, College of Applied Life Sciences, Cheju National University ва National Institute of Subtropical Agriculture (Корея Республикаси), Osaka International University (Япония), Engineering Center of State Ministry of Education for Standardization of Chinese Medicine Processing ва Huazhong University of Science and Technology (Хитой), Department of Pharmaceutical Chemistry, School of Pharmaceutical Sciences, Shoolini University (Ҳиндистон), Харьков миллий фармацевтика университети, Украина доривор ўсимликлар институти (Украина), Санкт Петербург давлат кимё фармацевтика университети, Россия доривор ва ароматик ўсимликлар илмий текшириш институтида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимликларидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, улар асосида дори воситаларни ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилиш усулларини таклиф қилиш ва стандартлаш борасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кунжут ўсимлиги билан диета қилишнинг соғлиқга ижобий таъсири лигнанларга боғлиқлиги ва улар фитоэстроген фаолликка эга эканлиги аниқланган (University of Thessaloniki, Греция), кунжутнинг антиоксидант таркибий қисмлари ва мойининг антиоксидант фаоллиги ўртасидаги боғлиқлиги аниқланган (Aristotle University of Thessaloniki, Миср), юпка қаватли хроматография усулида совунланмайдиган модданинг тўрт хил турдаги мойини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (Beijing University of Chemical Technology, Хитой), тешик далачай ўсимлиги асосида олинадиган дори воситаларини стандартлаш бўйича янгича ёндашувлар ишлаб чиқилган

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар маълумотлари www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content, www.scopus.com манбалар асосида кўриб чиқилган.

(Самара давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), доривор ўсимлик хомашёсидан фойдаланиш йўллари ва қўллаш усуллари белгиланган (Чечен давлат университети, Россия Федерацияси), тешик далачой турида структуравий мослашувлар аниқланган (Пятигорск тиббиёт-фармацевтика институти, Россия Федерацияси), далачой ўсимлиги хомашёсини стандартлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Новосибирск давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси), тешик далачой ўсимлигини Европанинг шимолий шарқида маданийлаштириш шароитлари аниқланган (Коми биология институти, Россия Федерацияси).

Дунёда доривор хомашдан ажратиб олинган мойлар асосида янги дори воситаларини яратиш ҳамда уларни стандартлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодий ва терапевтик жihatдан самарадор маҳаллий хомашёлар асосида турли касалликларни даволашда қўлланиладиган ўсимлик субстанциялари ва тайёр дори шакллари ишлаб чиқиш; сифатни назорат қилиш лабораторияларида замонавий таҳлил усулларда стандартлаш, асосий таъсир этувчи биологик фаол моддаларни аниқлаш, фармакологик таъсирини ва безарарлигини исботлаш, барқарорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, доривор ўсимлик майдонларини кўпайтириш, уларни дунёнинг турли минтақаларида, турли иқлимларда маданийлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг фармакологик фаолликка эга кунжут ва тешик далачой асосида олинадиган дори воситаларини яратиш ва уларни стандартлаш устида бир қатор изланишлар олиб борилган.

Кунжут ва тешик далачой ўсимликлари асосида олинган препаратларнинг турли патологияларни олдини олиш ва даволашда қўлланилиши, уларни сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиши, безарарлигини аниқлаш бўйича A.Anagnostis, A.Papadopoulos, S.Asgary, M.Rafieian-Kopaei, S.Najafi, E.Heidarian, A.Sahebkar, E.Ashamu, E.Salawu, O.Oyewo, A.Alhassan, O.Alamu, N.Cengiz, S.Kavak, A.Guzel, A.Biswas, P.Dhar, S.Ghosh, K.Baser, T.Ozek, H.Nuriddinov, I.Bayandina, T.Kukina, J.Barnes, L.Anderson, S.Kazlauskas, E.Bagdonaite, S.Murch, P.Saxena, Д.Поляков, Л.Байболова, Е.Медведков, С.Джингилбаев, Ю.Липатова, Т.Орловская, Т.Полякова, А.Амин, О.Павлова, А.Минакова, О.Правдивцева, М.Архипова, М.Галкин, И.Телицына, Е.Хромцова, Д.Макарова, Т.Канева, Э.Эчишвили, Н.Портнягина, В.Пунегов, К.Зайнуллина, В.Щербаковлар каби хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар аҳамиятлидир.

Маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш, терапевтик фаол моддаларни аниқлаш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича Р.Л.Хазанович, Х.Х.Холматов, Т.П. Пўлатова, Х.У.Алиев, А.Я.Ибрагимов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, С.Н.Аминов, У.М.Азизов, Қ.А.Убайдуллаев, И.К.Азизов, Ш.А.Темуровалар томонидан олиб борилган изланишлар маълум.

Мазкур диссертация иши кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимликларидан мой ва мойли экстракт ажратиб олиш, стандартлаш, қиёсий таҳлил қилиш, фармакологик таъсири ва безарарлигини аниқлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) хомашёси юзасидан мажмуавий фитокимёвий тадқиқот олиб бориш ва самарали дори воситаларини яратиш, уларнинг фармакологик фаоллигини ўрганиш ва стандартлашнинг янги ёндашувларини экспериментал ва назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган кунжут (*Sesamum indicum* L.) уруғи ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимлиги ер устки қисмининг кимёвий таркибини ўрганиш;

кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) маҳаллий хомашёси чинлиги ва сифатини белгиловчи мезонларини аниқлаш;

кунжут (*Sesamum indicum* L.) маҳаллий хомашёсидан олинган кунжут мойи кимёвий таркибини ўрганиш ва стандартлаш;

кунжут мойи асосида шамча дори шаклини олиш ва сифатини баҳолаш;

тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) асосида мойли экстракт олиш ва сифатини баҳолаш;

тешик далачай мойли экстракти асосида суртма дори шаклини олиш ва сифатини баҳолаш;

тиббиёт амалиётида кунжут ўсимлиги уруғи ва мойи асосида олинган маҳаллий дори воситаларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини илмий асослаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга кунжут мойи, кунжут шамчаси, тешик далачай мойли экстракти ва у асосида суртма дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида ўсадиган кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимликлари, кунжут мойи, далачай мойли экстракти, ҳамда улар асосидаги суртма ва шамча дори турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимликлари хомашёси ва улардан

олинган дори воситаларини стандартлаш, сифатини баҳолаш, фармакологик тадқиқотларни ўтказиш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тиббиёт амалиётига жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида замонавий физик-кимёвий усуллар, жумладан, юпка қаватли ва юқори самарали суяқлик хроматографиялари (ЮҚХ ва ЮССХ), дериватография (УБ-спектроскопия, ИҚ-спектроскопия), юқори самарали суяқлик хроматография масс-спектрометрия (ЮССХ-МС), газ-суяқлик хроматография масс-спектрометрия (ГСХ-МС), шунингдек, фармакогностик ва фармацевтик таҳлилнинг анъанавий усуллари ҳамда компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий кунжут уруғининг микроскопик тузилиши аниқланди, бунда хомашёдаги зарур бўлган умумий ва фарқловчи хусусиятлари, шунингдек ўзига хос диагностик белгилари мавжудлиги исботланган;

илк бор республика ҳудудида ўсадиган кунжут (*Sesamum indicum* L.) хомашёси ҳамда унинг асосида олинган кунжут мойи ва кунжут шамчаси дори воситаларининг сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор маҳаллий кунжут уруғи ва мойи таркибидаги лигнанларнинг чинлиги ва миқдори ЮССХ усули ёрдамида аниқланган;

маҳаллий кунжут уруғи ва унинг мойининг таркибидаги аминокислоталар, ёғ кислоталар, макро- ва микроэлементлар каби биологик фаол моддалар аниқланган;

тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) ўсимлигининг маҳаллий хомашёси, унинг мойли экстракти ҳамда ушбу экстрактни сақлаган суртма дори воситасининг сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Кальций ММР» ва «Кунжут мойи» биологик фаол қўшимчаларининг сифат меъёрлари белгиланган;

«Kunjut urug`lari» ва «Tozalangan Kunjut moyi» дори воситаларининг ўзига хос фаоллиги ва зарарсизлиги аниқланган;

кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) хомашёлари асосида олинган дори воситаларининг мўътадил сақлаш муддати ва шароитлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар ишончлилиқ даражаси замонавий физик-кимёвий, статистик ва фармакологик усуллари, шунингдек, натижаларни статистик ишлашда Студентнинг t-мезони фойдаланганлиги билан изоҳланади. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ялғиғланишга қарши таъсирга эга маҳаллий кунжут (*Sesamum indicum* L.) ва тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.) хомашёси ва унинг асосида олинган «Тозаланган кунжут мойи», «Кунжут мойи асосида шамча», «Тешик далачай мойли экстракти», «Далачай мойли

экстрактли суртмаси» дори воситалари ҳамда «Кальций ММР» ва «Кунжут мойи» биологик фаол қўшимчаларини стандартлаш тизимини назарий ва экспериментал асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ўзкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда маҳаллий кунжут хомашёси ва унинг асосида олинган «Тозаланган кунжут мойи» дори воситаси учун корхона фармакопея мақолалари, шунингдек, озуқавий биологик фаол қўшимчалар учун меъёрий ҳужжатлар тасдиқланганлиги, тиббиёт амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади. Ушбу дори воситалар ва БФҚ яллиғланишга қарши маҳаллий препаратлар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган ўсимликлардан олинадиган мойлар асосидаги дори воситаларини стандартлаш ва сифат назорати бўйича олинган натижалар асосида:

«Кунжут уруғи» доривор ўсимлик хом ашёси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг Фармакопея қўмитаси томонидан корхона фармакопея мақоласи тасдиқланган (КФМ 42 Ўз-00481330-4204-2020) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома №DV/М 03589/09/20). Натижада, хужайра ва тўқималарни регенерирловчи дори воситаларини ишлаб чиқиш учун хомашё ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Тозаланган кунжут мойи» дори воситасига «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКнинг Фармакопея қўмитаси томонидан корхона фармакопея мақоласи тасдиқланган (КФМ 42 Ўз-00481330-4471-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома №DV/М 03712/02/21). Натижада, иммунстимулловчи ҳамда яллиғланишга қарши дори воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Кальций ММР» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан (Ts 2758876-03:2019) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома Давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 27588576-03:2019). Натижада, «Muslimbek med pharm» МЧЖ корхонасида суюқ шаклдаги «Кальций ММР» биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш имконини берган;

«Кунжут мойи» биологик фаол қўшимчаси учун техник шартлар «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ts 26179337-04:2017) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома Давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 26179337-04:2017). Натижада, «Pharm Engineering» МЧЖ корхонасида суюқ

шаклидаги иммуностимулловчи таъсирга эга «Кунжут мойи» биологик фаол кўшимча ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, бундан 10 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги ёритиб берилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган. Ўсимликлар асосида олинадиган дори воситаларини ишлаб чиқаришга, уларни ишлаб чиқишга илмий-методологик ёндашувни асослашга зарурат борлигига асос бўладиган маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлиliga бағишланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган мой сақловчи ўсимликларнинг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистонда мой сақловчи ўсимликларнинг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш, республикада рўйхатга олинган ўсимликлар асосидаги дори воситаларини таҳлили, ўсимлик мойларининг олиниши ва таҳлил усуллари, замонавий тиббиётда ва халқ табobatiда ишлатилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объектлари маҳаллий кунжут ва тешик далачай ўсимликларининг ботаник тавсифи, систематик ҳолати, биологик хусусиятлари ўрганилган, кунжут ва тешик далачай хомашёси кимёвий таркиби ва ишлатилиши, амалий тиббиётда ва халқ табobatiда ишлатилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган кунжут ўсимлиги уруғининг кимёвий таркибини ўрганиш ва стандартлаш**» деб номланган иккинчи бобда 2016-2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида (Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Жиззах) ўстирилган кунжут ўсимлигини мева бериши даврида тайёрланган уруғлари ўрганилди. Уларни қиёсий таҳлил қилиш асосида Қашқадарё вилоятида

ўсадиган кунжут уруғининг таркиби жиҳатидан устунлиги аниқланди. Шунга кўра, диссертация ишида Қашқадарё вилоятида ўсадиган кунжут уруғи асос қилиб олинди ва биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳлари таркиби ўрганилди. Кунжут уруғи таркибидаги ёғлар миқдори, флаваноидлар таркиби, витамин Е нинг табиий бирикмалари гуруҳи, аминокислоталар таркиби ва кунжут уруғидаги микро- ва макроэлементлар таркиби ўрганилди.

Кунжут уруғи таркибидаги аминокислоталар таҳлили. Нингидрин реакциянинг ижобий натижасида (қиздирилганда реакция аралашмани пушти-бинафша рангга кириши) кунжут уруғида аминокислоталар мавжудлигини тасдиқлади. Сувли экстрактларнинг қоғоз хроматографияси хира бинафша рангли 18 дан кам бўлмаган адсорбцион зоналари аниқланди. Аргинин, валин, лизин ва глутамин кислоталарни етарли ажратишга гувоҳлар сифатида аниқлашга эришилди.

Кунжут уруғидаги аминокислоталар миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Кунжут уруғидаги аминокислоталар миқдори

№	Аниқланган аминокислоталар	Аминокислоталар миқдори, мг/г	Аминокислоталар миқдори, %
1.	Аспарагин кислотаси	0,6001	5,45
2.	Глутамин кислотаси	1,9571	17,78
3.	Серин	0,6024	5,47
4.	Глицин	0,5855	5,32
5.	Аспарагин	0,5856	5,32
6.	Глутамин	0,5928	5,38
7.	Цистеин	0,2212	2,01
8.	Треонин*	0,4696	4,27
9.	Аргенин	0,4606	4,18
10.	Аланин	0,4579	4,16
11.	Пролин	0,3044	2,76
12.	Тирозин	0,5591	5,08
13.	Валин*	0,5461	4,96
14.	Метионин*	0,3237	2,94
15.	Изолейцин*	0,6149	5,58
16.	Лейцин*	0,8452	7,68
17.	Гистидин	0,5826	5,29
18.	Триптофан*	0,3880	3,52
19.	Фенилаланин*	0,0672	0,61
20.	Лизин *	0,2419	2,20
Аминокислоталар умумий миқдори		11,0099	100,00
Алмашмайдиган аминокислоталар миқдори		3,4966	31,76

*изох: *- алмашмайдиган аминокислоталар*

Кунжут уруғидаги аминокислоталари таркибини ЮССХ усулида ўрганишда 20 та эркин аминокислоталар, жумладан 8 та алмашмайдиган аминокислота мавжудлиги аниқланди. Кунжут уруғидаги аминокислоталар

мажмуаси глутамин кислота, лейцин, аспарагин кислота ва сериннинг юқори миқдори билан ажралиб туради. Алмашмайдиган аминокислоталарнинг улушига аминокислоталар умумий миқдорининг 31,76 % тўғри келади. Жами кунжут уруғидан сувли ажратиб олишда умумий аминокислоталар миқдори 11,0099 мг/г ташкил этади.

Шунингдек, кунжут уруғини стандартлашда чинлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган, кунжут уруғини сифат кўрсаткичлари ва хомашёнинг микробиологик тозалиги аниқланган.

Кунжут уруғини стандартлаш. Маҳаллий кунжут ўсимлиги хомашёсини тиббиёт амалиётига жорий этиш мақсадида уни стандартлаш билан боғлиқ тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Фармакопеясида келтирилган талаблар асосида олиб борилди. Кунжут уруғини стандартлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 4 та ҳудудида (Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Жиззах) ўсадиган бешта партиядаги хомашёдан фойдаланилди.

Хомашё чинлигини аниқлашни ОФС.1.5.3.0004.15 бўйича хомашё ташқи белгилари, анатомио-диагностик белгилари ва сифат реакциялари орқали амалга оширилди.


Эпидерма ҳужайраларининг қобиғи юпқа деворли, тўлқинсимон бўлиб, антиклинал – эпидерма ҳужайралари юқорига қараб буришган. Ташқи периклинал деворлари кутикула билан қопланган. Кальций оксалат кристаллари мавжудлигидан уруғ қобиғи мустаҳкам, кристаллар қалпоқчасимон (бошчасимон) шаклида тўпланган бўлиб, ташқи периклинал ҳужайра деворларини яқин қисмида кристаллар ҳосил бўлади (1-расм).



1-расм. *Sesamum indicum* L. уруғларининг морфологик тузилиши (а-б).

Уруғни ён қисмида устунсимон шаклдаги кристалсиз ҳужайралар иккита тор қовурға мавжуд бўлиб, улар парраксимон кўринишда жойлашган. Эндосперм ҳужайралари юпқа деворли бўлиб, уруғнинг ҳолатига қараб, 3-4 та изодиаметрик ҳужайрадан ташкил топган ташқи периклинал девори қалин. Ҳужайраларда ёғ ва оксиллар мавжуд. Муртақ уруғнинг асосий қисмини эгаллаган бўлиб, текис, силлиқ-қавариқ, ярим доирасимон уруғпаллабаргли, кичик куртак ва калта тўғри гипокотил уруғлардан ташкил топган (расм 2).

Олинган натижалар асосида мазкур тур учун уруғларнинг бир қатор морфологик-анатомик, ўзига хос диагностик белгилари аниқланди ва кунжут хомашёси чинлигини таҳлил қилиш имконини беради.




2-расм. *Sesamum indicum* L. уруғларининг кўндаланг кесикдаги анатомик тузилиши:

а – уруғларнинг умумий кўриниши; *б, в* – уруғнинг чекка қовурғасимон қисмидаги – экзотеста, мезотеста, эндоспермларнинг тузилиши; *г* – уруғнинг қобиғи; *д* – эндосперм; *е, з* – уруғпаллабаргнинг умумий кўриниши ва детали; *ж* – гипокотил; *и* – илдиз.

Шартли белгилари: *FP* – говаксимон паренхима, *И* – муртак илдизи, *ПП* – пўстлоқ паренхима, *Кр* – кальций оксалат кристаллари, *УП* – устунсимон паренхима, *ЭктЭ* – экзотестадаги устунсимон шаклдаги эпидерма хужайралари; *Уб* – уруғпаллабарг, *УҚ* – уруғнинг қобиғи, *Э* – эпидерма, *Экт* – экзотеста, *Мзт* – мезотеста, *Энд* – эндосперм, *МЦ* – марказий цилиндр, *ЎБ* – ўтказувчи боғлам.

Кунжут уруғи таркибидаги лигнанлар миқдори ЮССХ усулида таҳлил қилинди. Таҳлил Shimadzu-make (модел LCATVP), C18 колонкасида (250мм, ички диаметр 9,4 мм), УФ-детектор (модел SPD-10AVP) да амалга оширилди. Таҳлил 24° С ҳароратда ва 55% намликда ўтказилди. Қўзғалувчи фаза изократик бўлиб, метанол ва сувдан (70:30) иборат, 0,7 мл / дақ оқим тезлиги ва 290 нм да тўлқин узунлигида аниқланди.

Олинган натижалардан статистик таҳлил Microsoft Excel 2007 ва SPSS 16.0.2 статистик пакети ёрдамида амалга оширилди. Пирсон корреляция коэффиценти ($p < 0,01$, $p < 0,05$) SPSS ёрдамида ҳисобланди.



3-расм. *Sesamum indicum* L. уруғининг этанол экстракти ЮССХ профилида кўринадиган чўққилари

Кунжутдаги асосий лигнанлар ва ички стандарт мос равишда этанол экстрактида уларнинг мавжудлигини кўрсатди. Кунжут уруғи этанол экстрактларининг ЮССХ усулидаги таҳлил натижалари, кунжут таркибидаги асосий лигнанлар сезамол, сезамин ва сезамолин эканлигини кўрсатди (3-расм). Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Кунжут уруғи таркибидаги лигнанлар миқдори

Сезамол аниқланди, мг / г	Сезамин аниқланди, мг / г	Сезамолин аниқланди, мг / г	Метрологик характеристикаси			
			Сезамин		Сезамол	Сезамолин
3,061	5,798	3,331	$X_{\text{ўрт}}$	5,80188	3,36356	3,09760
3,102	5,836	3,408	S^2	0,00054	0,00090	0,00087
3,098	5,810	3,374	S	0,02313	0,03006	0,02953
3,085	5,786	3,343	ΔX	0,02876	0,03737	0,03672
3,142	5,777	3,360	e	0,49571	1,11107	1,18541

Олинган натижаларга кўра, кунжут уруғи таркибида сезамин, сезамолин, кунжут уруғлари асосий антиоксидант лигнанлар эканлигини кўрсатди. Сезамол энг юқори ўзгарувчанликни кўрсатган бўлса-да, унинг ўртача миқдори учта лигнанлар орасида энг паст бўлди. Натижалар асосида кунжут уруғининг безарарлигини меъёрловчи кўрсаткичлари белгиланди ва улар меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқишда ишлатилди.

Кунжут уруғи сифатини белгиловчи сон кўрсаткичлари аниқланиб, хомашё учун уларнинг меъёрлари белгилаб олинди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Кунжут уруғининг сон кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Хомашё учун меъёрлар	
	Бутун маҳсулот	Майдаланган маҳсулот
Мой, % дан кам бўлмаслиги	25,0	
Намлик, % дан кўп бўлмаслиги	9,0	
Умумий кул, % дан кўп бўлмаслиги	5,0	
10 % ли хлорид кислотада эримайдиган кул, % дан кўп бўлмаслиги	2,0	
Маҳсулотнинг бошқа қисмлари (маҳсулотнинг ер устки қисмлари, пучоқ уруғлар), % дан кўп бўлмаслиги	1,0	
Маҳсулотнинг 2 мм ли элакдан ўтадиган қисми, % дан кўп бўлмаслиги	16,0	
Органик аралашмалар, % дан кўп бўлмаслиги	2,0	
Минерал аралашмалар, % дан кўп бўлмаслиги	0,5	

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган тешик далачой ўсимлиги ер устки қисмининг кимёвий таркибини ўрганиш ва сифатини баҳолаш» деб номланган учинчи бобда тешик далачой ер устки қисмидаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳи (флавоноидлар, ошловчи моддалар, витаминлар, аминокислоталар), макро- ва микроэлементлар таркиби ва миқдорини аниқлаш, шунингдек унинг сифатини баҳолаш бўйича таҳлил усуллари ёритилган.


Тешик далачай ер устки қисмидаги флавоноидларни аниқлаш ЮССХ усулида амалга оширилди. Натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тешик далачай ўсимлиги моддалари чўққиларининг ушланиш вақти

Модда	Хроматограм мадаги чўққи рақами	Ацетон ва сув нисбати (қўзғалувчи фаза)	Ажратиш хроматограмма сидаги ушланиш вақти	РСН ушланиш вақти
Рутин	1	25:75 30:70	2,922 2,819	3,121 2,716
Гиперозид	2	25:75 30:70	3,878 2,819	3,994 3,016
Кверцетин	3	25:75 30:70	15,805 9,563	14,237 9,905
Бисапигенин	4	25:75 30:70	- 23,150	- 22,357

Олинган хроматограмма натижалари тешик далачай ўсимлиги учун хос бўлган бисапигенин флавоноидининг борлигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Тешик далачай ўсимлигидан ажратиш хроматограммаси

Чўққилар белгиланиши: 1–рутин; 2–гиперозид; 3 – кверцетин; 4 - бисапигенин

Тешик далачай ўсимлигининг доминант флавоноид-гиперозиднинг миқдори $2,50 \pm 0,01$ % ни ташкил этади. Тешик далачай ўсимлигидаги рутин миқдори $1,30 \pm 0,01$ % ни ташкил этади. Тешик далачай ўсимлигидаги кверцетин миқдори – $0,40 \pm 0,01$ %. Тешик далачай ўсимлигидаги бисапигенин тахминан $1,05 \pm 0,01$ % ни ташкил этади.

Флавоноидлар фенол бирикмаларнинг оғир металл катионлари билан бирга хелат комплексларини ҳосил қилиш хусусиятига асосланган ҳолда ўрганилди. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

Тешик далачой ўсимлиги хомашёсидаги флавоноидлар миқдори

№	Натижалар %	Ўртача %	Эркин танланиш даражаси ($f=n-1$)	Ўртача қийматдан четланиш, d_i	Дисперсия сони, S^2	Стандарт четланиш, S	Абсолют четланиш, %	Абсолют хатолик, Δx	Студент коэффициенти, t	Нисбий хатолик, ξ
1	5,20	5,2	4	0,017	0,0013	0,035	0,8367	0,0438	2,78	1,0403
2	5,25			0,033						
3	5,19			0,027						
4	5,26			0,043						
5	5,19			0,032						


Олинган натижаларга кўра, тешик далачой ўсимлиги хомашёсидаги флаваноидлар миқдори ЎзР ДФ талабларига мос келишини кўрсатди.

Йиғиб олинган тешик далачой ер устки қисми Россиянинг «ФС.2.5.0015.15 Зверобоя трава» ҳамда Ўзбекистоннинг ФСП 42 Уз-15842845 – 1886-2017 ларда сифати тасдиқланган хомашёлари билан солиштирилди ва сифати баҳоланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган кунжут ўсимлиги уруғидан олинган мойни кимёвий таркибини аниқлаш ва стандартлаш» деб номланган тўртинчи бобда кунжут мойини ажратиш технологияси, унинг кимёвий таркиби тўлиқ ўрганилди, хусусан мой таркибидаги ёғ кислоталари, витамин А, α -токоферол (витамин Е), каротиноидлар йиғиндиси, лигнанлар (сезамин, сезамол, сезамоллин), минерал комплекслар таҳлили амалга оширилди.

Кунжут мойининг чинлигини аниқлаш ЮҚХ усулида амалга оширилди. Ўрганилаётган эритманинг хроматограммасидаги асосий доғ стандарт эритма (солиштирилувчи эритма)нинг хроматограммасидаги тегишли доғ билан, рангни (флуоресценция ранги) таққослаш, доғларнинг ўлчами ва ушланиш омили қиймати (R_f) билан таққослаш орқали визуал мой кислоталар идентификацияланди ва солиштирилди.

УБ лампада 366 нм (254 нм) тўлқин узунлигида доғлар ўрни белгилаб олинади.



5-расм. Кунжут мойининг ЮҚХ пластинкаси: 1,2,3- киритилган хажм ортиб бориши тартибида

Кунжут мойининг компонентлар идентификацияси стандарт эритманинг энг юқори чўққиси ушланиш вақтини ёғ кислоталари метил эфирлари эритмаси чўққисини ушланиш вақти билан солиштириш орқали амалга оширилди. Кунжут мойида стеарин, пальмитин, миристин, арахин, олеин, линол, линолен ёғ кислоталари мавжудлиги аниқланди.

Уларнинг миқдори 6-жадвалда келтирилган.


6-жадвал

Кунжут мойидаги ёғ кислоталари миқдори


Ёғ кислоталар таркиби							Кислота йиғиндиси, %	
стеарин	пальмитин	миристин	арахин	олеин	линол	линолен	тўйинган	тўйинмаган
7,0	6,5	0,1	3,0	21,6	59,5	2,2	16,6	83,3
Жами:							99,9	

Кунжут мойи тўйинмаган (олеин, линол линолен) ёғ кислоталарининг бебаҳо манбаи ҳисобланади – 83,3%.


Тадқиқот давомида кунжут мойи таркибидаги биологик фаол бирикмалар турли давлатлардаги кунжут мойи таркибидаги ёғ кислоталари ГХ-МС усулида қиёсланди.




6-расм. I намуна. Японияда ўстирилган кунжутдан олинган мойи




7-расм. II намуна. Россияда ароматик ва доривор ўсимликлар илмий текшириш институти ўстирилган кунжутдан олинган мойи




8-расм. III намуна. Хитойда ўстирилган кунжутдан олинган мойи



9-расм. IV намуна. Ўзбекистонда ўстирилган кунжутдан олинган мойи



10-рasm. Олеин кислотасининг масс-спектри



11-рasm. Линол кислотасининг масс-спектри

Турли ҳудудларда ўстирилган кунжут мойининг ёғ кислоталари таққосий ўрганиб чиқилди, олинган натижалар 7-жадвалда келтирилди.

7-жадвал

Турли ҳудудлардаги кунжут мойининг ёғ кислоталари таркиби

№	Ёғ кислоталар	Умумий миқдордан фоиз ҳисобида*			
		I	II	III	IV
1.	Миристин (C _{14:0})	-	-	-	0,1
2.	Пальмитин (C _{16:0})	19,2	8,9	7,2	6,5
3.	Стеарин (C _{18:0})	8,7	4,9	3,6	7,0
4.	Олеин (C _{18:1})	27,0	22,0	25,6	21,6
5.	Линол (C _{18:2})	43,4	54,3	59,0	59,5
6.	Линолен (C _{18:3})	0,46	-	-	2,2
7.	Арахин (C _{20:0})	2,6	2,0	1,4	3,0

* I - Япония ФА Ботаника боғида ўстирилган кунжутдан олинган мойи,


II - Россия ароматик ва доривор ўсимликлар илмий текшириш институтида ўстирилган кунжутдан олинган мойи,

III - Хитойда ўстирилган кунжутдан олинган мойи,


IV - Ўзбекистон Республикасида ўстирилган кунжутдан олинган мойи.

Натижалар синалаётган мойнинг ёғ кислоталари асосий таркиби Япония ва Россияда етиштирилган кунжутдан олинган мойга яқинлигини кўрсатди. Маҳаллий кунжут мойида тўйинмаган ёғ кислоталари миқдори 83,3% ташкил этади ва бу кўрсаткич унинг бошқа ҳудудларда етиштирилган кунжут мойидан афзаллигини кўрсатди. Маҳаллий кунжут мойини стандартлаш бўйича олинган натижалар кунжут мойи асосида олинадиган дори воситаларига меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилди.

Кунжут мойидаги α-токоферол (витамин E) ни аниқлаш ЮССХ усулида олиб борилди (12-13-рasm).



12-расм. α – токоферол ишчи стандарт намунаси хроматограммаси



13-расм. Кунжут мойидаги α – токоферол (витамин Е) хроматограммаси

Микдорий таркиби бўйича олинган натижалар 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

**Кунжут мойидаги витамин Е микдорини аниқлаш
($f=4$; $t=2,78$; $P=95\%$)**

№	Намуна ўлчами, г	X%	Метрологик тавсифи
1.	5,0003	0,1914	$X_{\text{ўрт}} = 0,19 \%$; $S^2 = 0,00007$; $S = 0,0083$; $\Delta x = 0,16$; $\hat{\epsilon} = \pm 0,8\%$
2.	5,0012	0,1915	
3.	5,0020	0,1916	
4.	5,0055	0,1913	
5.	5,0066	0,1913	

Тадқиқотда кунжут мойидаги α – токоферолнинг микдори ўртача 191,4 мг% ташкил этиши аниқланди.

Кунжут мойи таркибидаги лигнанлар сезамол, сезамоллин ва сезамин микдори ЮССХ усулида аниқланди ва метрологик таҳлили ўтказилди. Олинган маълумотлар мой таркибидаги лигнанларнинг микдори, хусусан сезамол 0,377-6,345 мг/г, сезамин 9,05-12,68 мг/г, сезамоллин 4,16-5,83 мг/г гача микдорда бўлади. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Кунжут мойи таркибидаги лигнанлар микдорини аниқлаш

Сезамол аниқланди, мг / г	Сезамин аниқланди, мг / г	Сезамоллин аниқланди, мг / г	Метрологик таҳлили			
			Сезамол		Сезамин	Сезамоллин
7,205	12,60	5,79	$X_{\text{ўрт}}$	7,1153	12,60783	7,83885
7,088	12,68	5,83	S^2	0,0030	0,00284	0,00365
7,127	12,62	5,80	S	0,0548	0,05331	0,06041
7,089	12,57	5,78	Δx	0,0681	0,06627	0,07511
7,066	12,54	5,7	$\hat{\epsilon}$	0,9576	0,52566	0,95818

Натижалар бўйича лигнанларнинг кунжут мойига ўтиш унуми 95%ни ташкил қилди. Иқтисодий самарали хомашёни совуқ пресслаш технология

қўлланганлиги туфайли, тайёр маҳсулотда лигнанларнинг ўртача миқдори 27 мг/г ни ташкил этади, ҳам ашёнинг физиологик фаоллиги сақланади.

Кунжут мойидаги минерал комплексларни аниқлашни ICP-MS (inductively coupled plasma mass-spectrometry – АТ 7500) усулида элементларнинг сифат таркиби ва миқдори ўрганилди. Минерал элементларнинг таркиби ва миқдори 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Кунжут мойидаги минерал элементларнинг миқдорий таркиби

Элемент номи	мг/л	Элемент номи	мг/л
Li	0,340	V	30,000
Be	0,250	Cr	130,000
Na	400,000	Mn	4,800
Mg	93,000	Fe	230,000
Al	84,000	Co	0,580
P	100,000	Ni	22,000
S	460,000	Cu	2,900
K	360,000	Zn	840,000
Ca	230,000	Ga	27,000
Ti	3,000	As	0,021
Se	<1,7	Sb	1,200
Br	46,000	I	6,400
Rb	2,400	Cs	0,036
Sr	4,000	Ba	240,000
Mo	0,900	W	1,300
Rh	0,025	Os	<0,036
Pd	<0,062	Ir	<0,012
Cd	0,180	Hg	0,370
In	0,071	Tl	0,071
Sn	1,300	Pb	0.53

Таҳлил натижалари кунжут мойи таркибида 30 га яқин кимёвий элементларни ўзида сақлашини кўрсатди. Улардан ҳаётий зарур элементлар, рух (840,00 мг/кг), натрий (400,000 мг/кг), калий (360,000 мг/кг), темир (230,0 мг/кг), кальций (230,000 мг/кг), хром (130,0 мг/кг), магний (93,000 мг/кг) мавжуд бўлиб, бу кунжут мойининг қийматини янада оширади. Фойдали микро- ва макро-элементлар билан бир қаторда, токсик оғир металллар - кадмий (0,2400 мг/кг), кўрғошин (5,3000 мг/кг) ва симоб (0,3700 мг/кг) мавжуд.

Маҳаллий кунжут мойини кимёвий таркибини ўрганиш натижалари кунжут мойи ва унинг асосида олинадиган дори воситалари стандартлаш ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилди.

Кунжут мойи сифатини белгиловчи сон кўрсаткичлари ЎЗР ДФ талаблари асосида аниқланди ва меъёрий ҳужжат учун натижалар олинди (11-жадвал).

Кунжут мойи сифатини белгиловчи сон кўрсаткичлари ва метрологик таҳлили

№	Аниқланган кўрсаткичлар	Қўлланилган усул	Олинган натижалар	Олинган натижалар метрологик таҳлили	Олинган натижаларга кўра белгилаб олинган меъёрлар
1.	Қотиш ҳарорати	ЎзРДФ 1 том, 76 бет 2.2.18.	-6	$X_{\text{ўрт}}=-6;$ $S^2=0,025;$ $S=0,158;$ $\Delta x =0,197;$ $\hat{e} =2,05$	-5,5°C дан -6,5 °C гача
			-6,1		
			-6,2		
			-5,9		
			-5,8		
2.	Зичлиги (г/см ³)	ЎзРДФ 1 том, 66 бет 2.2.5.	0,9332	$X_{\text{ўрт}}=0,9254;$ $S^2=0,00007;$ $S=0,00815;$ $\Delta x=0,01013;$ $\hat{e}=1,095$	0,91 дан 0,94 гача
			0,9212		
			0,9345		
			0,9156		
			0,9225		
3.	Рефракция сони	ЎзРДФ 1 том, 67 бет 2.2.6.	1,4747	$X_{\text{ўрт}} =1,4747;$ $S^2=0,0000;$ $S=0,000158;$ $\Delta x =0,000197;$ $\hat{e} =0,0133$	1,47
			1,4749		
			1,4746		
			1,4745		
			1,4748		
4.	Йод сони	ЎзРДФ 1 том, 240 бет 2.5.4.	100,11	$X_{\text{ўрт}} =100,144;$ $S^2=0,00083;$ $S=0,02881;$ $X=0,03582;$ $\hat{e} =0,03577$	100,15
			100,12		
			100,16		
			100,18		
			100,15		
5.	Кислота сони	ЎзРДФ 1 том, 239 бет 2.5.1.	2,1	$X_{\text{ўрт}} =2,0;$ $S^2=0,0253;$ $S=0,15881;$ $\Delta x =0,19658;$ $\hat{e} =9,8287$	2,0
			2,2		
			2,0		
			1,8		
			1,9		
6.	Перекис сони	ЎзРДФ 1 том, 240 бет 2.5.5.	10,0	$X_{\text{ўрт}} =10,03;$ $S^2=0,0520;$ $S=0,22804;$ $\Delta x =0,28351;$ $\hat{e} =2,82658$	10,0
			10,05		
			10,4		
			9,9		
			9,8		
7.	Эфир сони	ЎзРДФ 1 том, 239 бет 2.5.2.	199,08	$X_{\text{ўрт}} =199,076;$ $S^2=0,000430;$ $S=0,02074;$ $\Delta x =0,02578;$ $\hat{e} =0,01295$	199,08
			199,06		
			199,05		
			199,09		
			199,1		
8.	Совунланиш сони	ЎзРДФ 1 том, 241 бет 2.5.6.	206,22	$X_{\text{ўрт}} =206,216;$ $S^2=0,000430;$ $S=0,02074;$ $\Delta x =0,02578;$ $\hat{e} =0,0125$	206,22
			206,2		
			206,19		
			206,24		
			206,23		

Кунжут мойининг барқарорлиги табиий сақлаш шароити усулида 5 та сериядаги препарат учун юқорида келтирилган чинлиги ва сифатини аниқлашнинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, синовлар ҳар 6 ойда такрорланади.

Олинган маълумотлар асосида «Ўзкимёфарм» АЖ билан биргаликда «Кунжут мойи бўйича КФМ» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва «Дори воситалари, тиббиёт буюмлар ва тиббий техника экспертиза ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКда тасдиқланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсадиган тешик далачой ер устки қисмидан олинган мойли экстракт кимёвий таркибини ўрганиш ва стандартлаш» деб номланган бешинчи бобда синалаётган ва сифати баҳоланган маҳаллий тешик далачой ер устки қисми, «Gerbofarm» ХК далачой ўсимлиги ва Россия «ФармаЦвет» корхонасида ишлаб чиқарилган далачой ўсимлиги мойли экстрактларининг кимёвий таркиби, ёғ кислоталари, каротиноидлар йиғиндиси қиёсий ўрганилди. Натижалар 12-жадвалда келтирилган.

12- жадвал

**Турли тешик далачой мойли экстрактининг ёғ кислоталари
микдорининг солиштирма таҳлили натижалари**

№	Ёғ кислоталари	Умумий микдордан фоиз ҳисобида*		
		I	II	III
1.	Пальмитин (C _{16:0})	8,9	7,2	5,2
2.	Стеарин (C _{18:0})	4,9	3,6	2,5
3.	Олеин (C _{18:1})	21,6	21,6	17,6
4.	Линол (C _{18:2})	59,5	59,0	52,1

* I – Ўзбекистон ҳудудидан йиғилган ва сифати баҳоланган тешик далачой ер устки қисмидан олинган мойли экстракт

II - ХК «Gerbofarm» тешик далачой ер устки қисмидан олинган мойли экстракт

III - «ФармаЦвет» тешик далачой ер устки қисмидан олинган мойли экстракт

